



## ЖСТГА ҚЎШИЛИШ БОРАСИДА КЎРИЛАЁТГАН АМАЛИЙ ЧОРА-ТАДБИРЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 5 июнь куни Жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ) бош директори доктор Нгози Оконжо-Ивеалани қабул қилди.



Учрашувда мамлакатимизнинг ЖСТга қўшилиши борасида кўрилаётган амалий чора-тадбирлар муҳокама қилинди.

Қисқа мuddат ичида Ишчи гуруҳнинг иккита йигилиши ўтказилгани, аъзо мамлакатлар билан фаол музокаралар олиб борилаётгани, қишлоқ хўжалигини қўллаб-қувватлаш шартлари муҳокама қилина бошлангани ва миллий қонунчиликни ташкилотнинг меъёр ва қоидаларига мувофиқлаштириш ишлари давом этаётгани мамнуният билан қайд этилди.

Шунингдек, “яшил” иқтисодиётни ривожлантириш, электрон савдо ва рақамли хизматлар экспортини ошириш соҳасида ҳамкорликни йўлга қўйиш муҳимлиги таъкидланди.

Халқаро савдонинг тартибга солиш масалалари бўйича ўзбекистонлик экспертларнинг салоҳиятини оширишга алоҳида эътибор қаратилди. Шу маънода, ЖСТнинг кўмаги билан Ўзбекистонда Савдо сиёсати бўйича компетенция марказини ташкил этиш таклиф этилди.

Давлатимиз раҳбари ЖСТ бош директори-га давра суҳбатига иштирок этгани ва Ўзбекистоннинг етакчи университетлари талабалари билан учрашгани учун миннатдорлик билдириб, унга Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг фахрий доктори унвони берилгани билан табриклади.

Учрашув якунида Нгози Оконжо-Ивеала Ўзбекистоннинг ташкилотга аъзо бўлиши йўлидаги саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлашини билдирди.

ЎЗА

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ АНҚАРАГА КЕЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев рафикаси билан бирга Туркияга расмий ташриф билан келди.

Пойтахтнинг “Эсонбуға” аэропортида давлатимиз раҳбарини Туркия вице-президенти Жавдат Йилмаз ва бошқа расмий шахслар кутиб олди. Олий мартабали меҳмонлар шарафига фахрий қоровул саф тортиди.

6 июнь куни икки мамлакат етакчилари раислигида олий даражадаги Стратегик ҳамкорлик кенгашининг учинчи йигилиши бўлиб ўтди.

Музокаралар доирасида Ўзбекистон — Туркия кенг қамровли стратегик

шериклик муносабатларини ривожлантириш, сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестиция, транспорт-коммуникация, таълим ва маданий-гуманитар соҳаларда ҳамкорликни кенгайтириш масалалари атрофида муҳокама қилинди.

Ташриф дастурига мувофиқ, илк бор икки мамлакат етакчи қороналари ва компаниялари раҳбарлари билан кўшма учрашув ўтказилиши ҳам режалаштирилган.

ЎЗА

## Элчи Олган Бекар:

“ТУРКИЯ ВА ЎЗБЕКИСТОН ЎРТАСИДАГИ ҲАМКОРЛИКНИ МУСТАҚАМЛАШ БОРАСИДА ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР ИШГА СОЛИНАДИ”



Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Туркия Президенти Режеп Таййип Эрдоғанинг таклифига биноан расмий ташриф билан ушбу мамлакатга келди. Ташриф доирасида 6 июнь куни Анқара шаҳрида олий даражадаги Стратегик ҳамкорлик кенгашининг учинчи йигилиши бўлиб ўтди.

▶ Давоми 2-бетда

## ҲАЖ ТАДБИРЛАРИ ЮҚОРИ САВИЯДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАНИ ТАЪКИДЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Мусулмонлар идораси раиси, муфтий шайх Нуриддин Холиқназар билан телефон орқали мулоқот қилди.

Давлатимиз раҳбари муборак Ҳаж зиёратига тайёрлик жараёнлари, юртдошларимиз учун яратилган шароитлар, уларнинг саломатлиги ва кайфияти ҳақида сўради.

Шайх Нуриддин Холиқназар Шавкат Мирзиёевга, аввало, муборак жойларда ибодат фаизи билан юрган ҳожиларимизнинг саломи ва дуоларини етказди.

Бу йил ҳам Ҳаж тадбирлари юқори савияда, тартибли ташкил этилгани таъкидланди. Худудлардаги Ҳаж марказлари орқали ишлар уюшқоқлик билан олиб борилди. Вазирилар Маҳкамаси бошчилигида Дин ишлари бўйича қўмита, Ташқи ишлар вазирилик, Транспорт вазирилик,

Соғлиқни сақлаш вазирилик ва бошқа тузилмалар ҳамкорлигида зиёратчилар учун барча шароит яратилди.

Айни пайтда қарийб 12 минг нафар юртдошимиз Саудия Арабистонида бўлиб турибди. Жами 15 минг 130 нафар фуқаро Ҳаж ибодатига муяссар бўлади. Уларга 300 нафар гуруҳ раҳбари, 50 нафар олий тоифали шифокор, ошпазлар, таржимонлар ва бошқа кўмакчилар ҳамроҳлик қилади.

Бу каби эътибор ва шароитларни арабистонлик мутасаддилар ҳам юқори баҳолаб, Ўзбекистон Президентига ҳурмат ва дуоларини изхор этмоқдалар.

Бу йилдан бошлаб бир янгилик — Саудия Арабистонинида бўлиб турган диний соҳа ходимлари ҳамда қори

зиёратчилар томонидан Қуръони каримни хатм қилиш йўлга қўйилди. Ҳозиргача 1 минг 515 та хатм ўқилиб, юртимизга тинчлик, халқимизга фаровонлик тилаб дуолар қилинган.

Давлат раҳбари юртдошларимиз муқаддас Ҳаж ибодатини мукамал адо этиб, соғ-омон келишларини тилади. Ўзбекистонга қайтган, ҳожилар жамиятимиздаги меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлаш, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш, ёшлар тарбияси ва оилалар тотувлигида ибрат бўлишларига умид билдирди.

Суҳбат самимий ва кўтаринки руҳда ўтди.

ЎЗА

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

**КИНЕМАТОГРАФИЯ СОҲАСИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ҲАМДА МАМЛАКАТИМИЗ ТАРИХИГА БАҒИШЛАНГАН ФИЛЬМЛАР ТУРКУМИНИ ЯРАТИШГА ДОИР ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА**

Кинематография соҳасини янги босқичга кўтариш, миллий давлатчилигимизнинг уч минг йилдан зиёд тарихини, буюк аجدодларимизнинг илмий, маданий ва маънавий меросини ақс эттирувчи фильмлар туркумини ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш мақсадида:

1. Маданият вазирилик, Фанлар академияси, Кинематография агентлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Миллий кинематографияни ривожлантириш маркази, Ўзбекистон киноарбоблари ижодий уюшмаси ҳамда илмий-иҷодий жамоатчилигининг таклифлари асосида **2024-2027 йилларга мўлжалланган “Тирик тарих” фильмлар туркумини яратиш дастури** (кейинги ўринларда — “Тирик тарих” дастури) 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ушбу дастур орқали қуйидаги вазифаларни амалга ошириш белгилансин:

халқимизнинг қадимий тарихи ва бой маданияти, азалий қадрият ва анъаналари, эзгу орзу-интилишларини чуқур илмий асосларга таяниб, тўлақонли ақс эттириш;

Ватан озодлиги ва раванқли йўлида кураш олиб борган буюк саркарда ва давлат арбобларининг

мураккаб ҳаёти ва давлатчилик фаолиятини ҳолис ва ҳаққоний кўрсатиб бериш;

тарихимизда ёрқин из қолдирган ижтимоий-сиёсий жараёнлар, аллома ва мутафаккирлар, шоир ва адиблар, маърифатпарвар жадид боболаримиз, атоқли санъаткорларнинг илмий-иҷодий мероси, уларнинг умумбашарий тамаддун ривожига қўшган муносиб ҳиссасини юксак гоёвий-бадний савияда намоён этиш.

2. Қуйидагилар:

а) **Кинематографияни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш бўйича миллий комиссия** (кейинги ўринларда — Миллий комиссия) тузилсин ҳамда унинг таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Миллий комиссиянинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

“Тирик тарих” дастури доирасида ҳамда давлат буюртмаси асосида яратиладиган фильмларни молиялаштириш манбаларини белгилаш ва фильмларни ишлаб чиқариш учун қўшимча маблағларни жалб қилиш;

▶ Давоми 2-бетда



Президентимиз шу йил 16 май куни Ўзбекистон кино санъати музейи билан танишган, киносаройнинг иккинчи қаватида жойлашган илмий-маърифий анжуманлар залида бир гуруҳ киноижодкорлар билан учрашиб, суҳбатлашди. Шу ерда ўз ташаббуси маҳсули бўлган “Тирик тарих” деб номланган 50 та янги кинолойихани қамраган дастур тақдими ўтказилди. 15-20 дақиқага режалаштирилган учрашув ва тақдирот чамаси икки соат давом этди. Назаримда, бу тасодиғий эмас эди.

“Тирик тарих” — давлатчилигимизнинг уч минг йиллик буюк тарихдан сўзлагувчи мухташам лойиҳа (Иккинчи мақола)

Чунки давлатимиз раҳбарининг сиёсат, иқтисодиёт ва ижтимоий ҳаёт йўналишидаги юзлаб юмуш, учрашувлардан ортиб, ижод аҳли билан жонли мулоқот қилиш имконияти ҳамisha ҳам бўлавермайди. Ваҳоланки, у киши зиёлилар, айниқса, адабиёт ва санъат аҳли билан дийдорлашини жуда хуш кўради. Айниқса, шу даврларда катта-кичик шоирлардан ва ҳатто ёш йигит-қизлар орасида ҳавасқорлари сўз олиб, шеър ёзишни айтса, машқлардан ўқиб беришни сўраб қолади. Наздимда, бу ҳам мунтазам расмий иждидият билан ўтадиган тадбирлар орасида юртимиз раҳнамоси қалбига алоҳида илиқлик, руҳиятига тиниқлик ва кайфиятига кўтаринкилик

бағишлаётгандек бўлади. Шундай дамларда Президентимиз яйраб кетади, дилкашликка мойил бўлиб, дунё ташвишларидан бир оз енгил тортади, чамаси. Шунданми, ижод аҳли билан суҳбатларда ҳамisha вақт чегарасини унуттишга, камда узайтиришга истақ сезади. Бу сафар ҳам худди шундай бўлди. Малайзия Бош вазири билан учрашувга тайёргарликнинг гоёт тигиз палласида киночилар билан бемалол суҳбатлашишга рағбат кўрсатди. Очиги, суҳбатни кузата туриб, ўзимча бундай ўйлади: бу дилкашлик билан бирга зиммасига янада залварли вазиға юкланаётган кино аҳлининг фикр савияси қандай, халқимиз, жулмадан, катта ҳаёт чорраҳаларига

кириб келаётган фарзанду набираларимиз маънавий оламга таъсир кўрсатадиган, дунё ҳамжамияти олдига миллий ва умуминсоний қадриятларимизни, ўзлимизни муносиб даражада намоён эта оладиган кинофильмлар яратишга қодир, салохиятли ижодкорларимиз бормикан, деган теран маъно ва мақсад кўзда тутилган учрашув эди. Ишонч ҳосил қилиш учун азмийош олиш, қарор қабул қилишдан аввал қатъий хулоса чиқариш учун синов эди бу учрашув. Елкасида улғувор масъулият турган давлат раҳбарининг ўзига хос синови эди бу.

▶ Давоми 3-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

КИНЕМАТОГРАФИЯ СОҲАСИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ҲАМДА МАМЛАКАТИМИЗ ТАРИХИГА БАҒИШЛАНГАН ФИЛЬМЛАР ТУРКУМИНИ ЯРАТИШГА ДОИР ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

киноиндустрияни иқтисодийнинг алоҳида тармоғи сифатида ривожлантириш, жумладан, имтиёз ва преференцияларга эга махсус кино ҳудудлари ташкил этиш, замонавий моддий-техник базага эга инфратузилмани яратиш ҳамда кинокорат тизимини ривожлантириш чораларини кўриш;

фильмлар ишлаб чиқаришда давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш, алоҳида масалалар бўйича ишчи гуруҳлар тузиш, муҳофазат қилинадиган ҳудуд ва объектларда сурат олиш, махсус ва ҳарбий техникалари жалб қилиш ҳамда бошқа ташкилий масалаларни ҳал этиш;

миллий фильмларни хорижий кинобозор ва кинофестивалларда кенг тарғиб қилиш, фильмларни ишлаб чиқаришга маҳаллий ва хорижий ҳамкорлар, нодавлат ташкилотлар ҳамда ҳомийларни жалб қилиш;

миллий кинематография соҳаси ижодкорлари, мутахассислари ва соҳа вакиллари рағбатлантириш, ижтимоий муҳофазат қилиш ва қўллар-қувватлаш, халқаро кинофестиваллар гойлибларини тақдирлаш тизимини йўлга қўйиш;

Кинематография агентлиги қоидада ташкил этиладиган, “Тирик тарих” туркумидаги фильмларнинг бюджетини кўриб чиқиш ва эксперт хулосасини бериш фаолияти билан шугулланивчи, кино соҳаси бўйича иқтисодчи ва молиячи мутахассислардан иборат Экспертлар гуруҳининг таркиби ва ҳуқуқларини тасдиқлаш;

“Тирик тарих” дастури ижроси билан боғлиқ жорий ишларнинг масъул вазирилик ва идоралар, маҳаллий ҳокимликлар ва бошқа ташкилотлар томонидан бажарилишини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш мақсадида Кузатов гуруҳи тузиш. Кузатов гуруҳи ҳисоботлари ва таҳлилий маълумотлари ҳар ой якуналари бўйича Миллий комиссия раисига ва навбатдаги йиғилишларга киритиб борилишини таъминлаш.

б) **Фильмларнинг гоявий-бадний савиясини оширишга қўмақлашувчи миллий кенгаш** (кейинги ўринларда — Миллий кенгаш) тузилсин ҳамда унинг таркиби 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Миллий кенгашнинг асосий вазифалари эътиборини қўйиладиган белгилансин: кино санъатини жамиятнинг ижтимоий, маданий-маърифий ҳаётида, жумладан, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда муҳим стратегик восита сифатида шакллантириш; “Тирик тарих” дастури доирасида яратилган фильмларнинг гоявий ва бадний мазмуни, адабий ва режиссёрлик сценарийларининг юксак савияда бўлишини таъминлаш чораларини кўриш, шунингдек, ижодий гуруҳларга нисбатан аниқ вазири ва талаблар белгилаш ҳамда тайёрланган киноленталарни кўриб чиқиб баҳолаш;

давлат бюртмаси асосида ишлаб чиқариладиган киномаҳсулотларни мувофиқлаштириш, уларни яратиш учун устувор мавзулар ва жанрлар бўйича квоталарни белгилаш, шунингдек, Миллий комиссияга ишлаб чиқариш бошланган киноленталарнинг ҳажмини ошириш (кискартириш) ёки вақтинча тўхтайтиб туриш бўйича таклифлар киритиш;

“Тирик тарих” дастуридаги киноленталарни ишлаб чиқариш учун зарур бўладиган тарихий фактлар ва маълумотларни аниқ ва ишончли асосда тўплаш ва амалий маслаҳатлар бериш мақсадида Ўзбекистондаги Ислмо цивилизацияси маркази қоидада тегишли соҳа мутахассисларидан иборат экспертлар илмий гуруҳини ташкил этиш. Ушбу гуруҳ томонидан тайёрланган таҳлилий материалларни Миллий кенгаш йиғилишларида муҳокама қилиб боришни йўлга қўйиш.

Кинематография агентлиги Миллий комиссия ва Миллий кенгашнинг ишчи органи этиб белгилансин ҳамда уларга ҳар чорак якуни бўйича бажарилган ишлар ва мавжуд муаммоларни таҳлил қилган ҳолда ҳисобот киритиб бориш.

3. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ “Тирик тарих” дастури доирасида:

фильмларни ишлаб чиқаришда Фанлар академияси, Ўзбекистондаги Ислмо цивилизацияси маркази, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирилик, Ёзувчилар уюшмаси ва бошқа илмий-маърифий муассасалар тарихий-илмий ва бадний масалалар бўйича асосий ҳамкорлар ҳисобланади;

Миллий кенгаш таклифлари асосида Миллий комиссия томонидан фильмларни ишлаб чиқаришнинг аниқ мuddатлари кўрсатилган режиси тасдиқланади;

фильмлар ишлаб чиқариш учун киноленталарни тайёрлаш бўйича танлов ташкил этилади ва энг яхши киноленталар танлаб олинади;

киноленталарга мувофиқ фильмлар ишлаб чиқариш учун тақдирот шаклидаги танловлар (питчинг) асосида кинокомпаниялар аниқланади;

фильмларни ишлаб чиқариш бюджети хорижий тажриба асосида бозор конъюнктурасини ҳисобга олган ҳолда шакллантирилади; бадний ва бадний-публицистик фильмлар замонавий хорижий форматда яратилади ҳамда уларнинг намойиши кинотеатрлар ва миллий телеканалларда, шунингдек, хорижий тилларга дубляж қилиниб, чет эл телеканаллари ва стриминг платформаларида ташкил этилади;

фильмларни Ўзбекистонда шаклландириб дубляж санъати мактаби аъёналарининг давом эттирган ҳолда хорижий тилларга таржима ва дубляж қилиш бўйича танловлар ташкил қилинади ҳамда зарур чора-тадбирлар амалга оширилади;

фильмларни ишлаб чиқаришда устувор равишда “Ўзбекфильм” киноконцерни” ДУКга импорт шартномаси асосида етказиб бериладиган кино усуналаридан ижара асосида фойдаланилади, бошқа тадбиркорлик субъектларининг кино усуналари замонавий ва ижара тўлови арзон бўлган ҳоллар бундан мустасно;

“Ўзбекфильм” киноконцерни” ДУК таркибидаги мавжуд суратта олиш павилонлари ва улардаги 3D ўлчамдаги экранлардан биринчи навбатда “Тирик тарих” дастури доирасидаги фильмларни ишлаб чиқаришда фойдаланилади; фильмларнинг бошланғич материаллари учун “Ўзбекистон миллий кинофонди” давлат муассасасида алоҳида маълумотлар базаси шакллантирилади ва улар махсус сервер қурилмаларида сақланиши таъминланади;

фильмларни ишлаб чиқаришга тайёргарлик кўриш доирасида республика бўйлаб профессионал ва ҳаваскор кино актёрларининг электрон каталоги шакллантирилади;

республикада фаолият юритаётган кино-студиялар ва театрларда сақланмаётган тарихий либослар инвентаризациядан ўтказилади, даврларга мансублигиндан келиб чиқиб, уларнинг онлайн электрон каталоги яратилади; “Тирик тарих” туркумида ишлаб чиқариладиган киноленталар алоҳида белги (логотип) асосида яратилади.

4. Кинематография агентлигига маҳаллий ва хорижий кинокомпаниялар билан ҳамкорлик (co-production) асосида “Тирик тарих” дастури доирасидаги фильмларни яратишга руҳсат берилсин ҳамда ушбу ҳамкорликда фильмларни шартнома асосида ишлаб чиқариш ва тарғиботини амалга ошириш учун қўшимча маблағларни йўналтиришга қаратилган зарур чоралар кўриلسин.

5. Белгилансинки: давлат бюртмаси асосида киномаҳсулотларни ишлаб чиқаришга уларнинг бадний концепцияси ҳамда молиялаштириш ҳажми ва манбалари Миллий комиссия ва Миллий кенгашнинг ижодий хулосалари асосида руҳсат бериллади;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, вазирилик ва идоралар, давлат улуши мавжуд хўжалик бирлашмаларида бюджетдан тақдирот маблағлар ва қонунчилик ҳужжатлари билан таққиланмаган бошқа манбалар ҳисобидан тегишли соҳаларга оид фильмлар ишлаб чиқаришга маблағларни йўналтиришга руҳсат этилади.

6. Мамлакатда кинотеатрлар тармоғини ривожлантириш мақсадида республиканинг ҳар бир туманида (шаҳрида) кинотеатрлар барпо этиш, таркибиде кинозалларни 2 тадан ва томошабинлар ситими 300 кишидан кам бўлмаган савдо-кўнгилочар комплексларини қуриш учун тадбиркорлик субъектларига қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер майдонлари

Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан давлат-хусусий шериклик асосида бепул ажратилади. Вазирлар Маҳкамаси **икки ой мuddатда** ушбу тизимни самарали ташкил қилиш бўйича тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини қабул қилсин.

7. Ўзбекистон киноарбоблари ижодий уюшмаси ва Миллий кинематографияни ривожлантириш марказининг Тошкент шаҳри, Навоий шoҳ кўчаси, 15-уйда жойлашган “Киночилар уйи”ни “Ўзбекистон Миллий кино санъати саройи” деб қайта номлаш ҳақидаги таклифи маъқуллансин.

Белгилансинки: Ўзбекистон Миллий кино санъати саройи миллий ва ретро фильмларнинг тарғиботини амалга ошириш, киносанъаткорларнинг ижодий кечалари, учрашувларни ўтказиш, ёш киночиларнинг маҳоратини ошириш ва “устоз-шогирд” аъёналарининг давом эттиришга хизмат қиладиган ижодий маскан сифатида фаолият юритади;

вазирилик ва идоралар, олий таълим муассасалари ҳар чоракда камиде бир маротаба Ўзбекистон Миллий кино санъати саройида маданий тадбирлар, ижодий учрашувлар, экскурсиялар ташкил қиладиган ҳамда фильмлар намойишлари ва шартнома асосида жалб қилинади.

8. Миллий комиссия (А.Арипов): уч ой мuddатда илгор хорижий тажриба асосида миллий кинематографияни янада ривожлантириш, инвестиция маблағларини жалб қилиш тизимини такомиллаштириш ва соҳада бошқарувнинг замонавий усулларини жорий этиш бўйича таклифларни киритсин;

2025 йил 1 июнга қадар “Ўзбекфильм” киноконцерни” ДУКни замонавий кино қурилмалари, технология тизимлар ва мултимедиа маҳсулотлари билан жиҳозлаш ишларини якунласин.

9. 2025 йил 1 январдан бошлаб Кинематография агентлигининг иқтисодий ва ижодий жиҳатдан фаолият мустақиллигини таъминлаш мақсадида унга ажратилдиган бюджет маблағларини алоҳида харажатлар иқтисодиёт таснифининг бир сатрида ўтказиб бериш амалиёти жорий этилсин.

Бунда Кинематография агентлигининг марказий аппаратини сақлаш билан боғлиқ харажатлар тақсимоти ҳамда ойллик иш ҳақи миқдорлари, ходимларни рағбатлантириш тўловлари Кинематография агентлиги тақдимномасига кўра Миллий комиссия томонидан белгиланади.

10. Маданий вазирилик уч ой мuddатда олий таълим муассасаси шаклидаги Ўзбекистон халқаро кинематография академиясини (кейинги ўринларда — Киноакадемия)ни ташкил қилиш ҳамда 2024/2025 ўқув йилидан бошлаб унинг фаолиятини йўлга қўйишни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

11. Киноакадемия Тошкент шаҳри, Чилонзор кўчаси, 1-уйда жойлашган “Ўзбекфильм” киноконцерни” ДУК ҳудудидаги бинога (собиқ Тасмани қайта ишлаш цехи) оператив бошқариш ҳуқуқи асосида жойлаштирилсин.

12. Ўзбекистон миллий кинематографияни ривожлантириш маркази қоидада **кинематография соҳаси учун ўрта махсус мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш мактаби** (кейинги ўринларда — киномактаб) ташкил қилинсин. Бунда: тарихий-жанговар (блокбастер) фильмларни яратиш бўйича маҳаллий ва хорижий мутахассисларни кенг жалб қилган ҳолда алоҳида гуруҳлар ва курслар (каскадёрулар, пиротехниклар, гримчлар, тарихий либос ва чирок усталари ҳамда бошқаларни тайёрлаш) фаолияти йўлга қўйилсин;

киномактабда кинематография соҳаси учун ўрта махсус мутахассислар тайёрлашга мўлжалланган ўқув курслари, семинар тренинглари, маҳорат дарслари ташкил этилади; киномактабда таҳсил олган ушбу касб эгалари (ёрдамчи режиссёрлар, операторлар, расомлар, чирочилар ва бошқалар) биринчи навбатда “Тирик тарих” дастуридаги фильмларни ишлаб чиқаришга жалб қилинади.

Киномактаб Тошкент шаҳри, Чилонзор кўчаси, 1-уйда жойлашган “Ўзбекфильм” киноконцерни” ДУК ҳудудидаги 2 қаватли бинога (собиқ Чилонзор тумани Йўл харакати хавфсизлиги бўлими) оператив бошқариш ҳуқуқи асосида жойлаштирилсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2024 йил якунига қадар Киноакадемия ва киномактаб биноларини капитал таъмирлаш, реконструкция қилиш ва жиҳозлаш ишларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2023-2025 йилларга мўлжалланган инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-459-сон қарорида 2024 йил учун белгиланган маблағлардан иқтисод қилинган қисми ҳисобидан амалга ошириш чораларини кўрсин.

14. Маданий вазирилик Олий таълим, фан ва инновациялар вазирилик билан биргаликда бир ой мuddатда Ўзбекистон Республикаси Президентининг кинематография соҳасида таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги тегишли қарори лойиҳасини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

15. Республикадаги олий ва ўрта-махсус таълим муассасаларида, ўрта мактабларда кинолекторийлар, туман (шаҳар)ларда жойлашган маданий марказларда миллий фильмларнинг бепул намойишлари ташкил этилсин. Бунда:

маданият марказларида кинозаллар ташкил қилинади ҳамда улар Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан жиҳозланади;

ушбу намойишлар Миллий кинематографияни ривожлантириш маркази ҳузуридаги ахборот-мултимедиа стриминг платформаси (uzbekkino.uz) орқали амалга оширилади.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига 4-иловага мувофиқ қўшимча ва ўзгартиришлар киритилсин.

17. Кинематография агентлиги:

а) Самарқанд, Бухоро, Хоразм ва Тошкент вилоятлари ҳокимликлари билан биргаликда 2024 йил 1 октябрга қадар халқаро тажрибани ўрганиган ҳолда юртимизда “**Эркин иқтисодий кинохудудлар**” ва “**Синема парк**” ташкил қилиш бўйича тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини;

б) икки ой мuddатда: Кинематографияни ривожлантириш ва қўллар-қувватлаш бўйича миллий комиссия ҳамда Фильмларнинг гоявий-бадний савиясини оширишга қўмақлашувчи миллий кенгаш тўғрисидаги низомадорни тасдиқлаш назарда тутувчи Ҳукумат қарори лойиҳасини;

республика ҳудудларида киноижодкорлар ва маънавий тарғиботчилари иштирокиде “Кинокаравон” тадбирларини тизимли ўтказиб бориш бўйича Ҳукумат қарори лойиҳасини;

қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

18. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига тегишли қарор мазмуни ва ижросини кенг ёритиш ташвиш этилсин.

19. Ушбу қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул этиб маданият вазири О.А.Назаров ва Кинематография агентлиги директори ваифасини бажарувчи Ш.Т.Ризаев белгилансин.

Қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

Элчи Олган Бекар:

“ТУРКИЯ ВА ЎЗБЕКИСТОН ЎРТАСИДАГИ ҲАМКОРЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ БОРАСИДА ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР ИШГА СОЛИНАДИ”

Бошланиши 1-бетда

Ўзбекистон — Туркия саммити арафасида Туркиянинг мамлакатимиздаги Факултада ва Мухтор элчиси Олган Бекар “Дунё” ахборот агентлиги мухбири саволларига жавоб бериб:

— **Жаноб элчи, кейинги йилларда Ўзбекистон — Туркия ўртасидаги муносабатлар изчил ривожланиб, янги мазмун билан боийб бормоқда. Сувбатимизини Ўзбекистон — Туркия алоқаларининг бутунги ҳолати ва истиқболлари ҳақидаги фикрингиз билан бошласак.**

— Сўнгги етти йилда Туркия билан Ўзбекистон ўртасидаги алоқаларда янги даража бошланди ва ушбу ҳамкорлик кундан кун жадал сурьатларда ривож топмоқда. Бу жараёнда икки давлат раҳбарларининг ўзаро ишонч, ҳурмат ва дўстликка асосланган муносабатлари муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Президентининг 2017 йилда мамлакатимизга таширфи чоғида муносабатларимиз стратегик шериклик даражасига кўтарилиди. 2018 йилда Туркия Президентининг Ўзбекистонга таширфи чоғида эса Стратегик ҳамкорлик кенгаши ташкил этилди. Ушбу омиллар ўзаро муносабатларимизни институционаллаштиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Олий даражадаги мунтазам учрашув ва мулоқотлар икки мамлакат вазирилик ва идоралари ўртасидаги ҳамкорлиқни ошириш баробарида барча соҳаларда ўзаро алоқаларни янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилаетир.

Ўзбекистон ва Туркия ўртасида Стратегик режалаштириш гуруҳи, Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ҳукуматлараро комиссияси, Турizm қўшма комиссияси ва бошқа мунтазам маслаҳатлашув ва ҳамкорлик механизмлари мавжуд. Мазкур платформалар ўзаро алоқаларнинг янги ўсиш нуқталарини аниқлаш ва қўшма лойиҳаларни ишлаб чиқишда фаолият кўрсатмоқда.

Қайд этиш керакки, бугун Туркия ва Ўзбекистон ўртасида дўстлик ва қардошликка асосланган муносабатлар модели яратилган. Иқтисодиёт ва савдо, транспорт, энергетика, соғлиқни сақлаш, маданият, таълим ва мудофаа саноати каби соҳаларда икки томонлама ҳамкорлигимиз тобора ортб бормоқда. Туркия янги Ўзбекистоннинг Учинчи Ренессанс ислотлар ташаббусини тўлиқ қўллаб-қувватлайди. Шунингдек, турк компаниялари ўз билан ва тажрибасини Ўзбек шериклари билан ўртоқла-



шишга ҳамда Ўзбекистон инфратузилмасини ривожлантиришга хисса қўшишга тайёр.

37 миллион аҳолига эга Ўзбекистон Марказий Осиёде тинчлик ва барқарорлиқни ва минтақавий интеграцияни таъминлашда муҳим роль ўйнайди. Туркия ҳам ўзининг икки томонлама алоқалари орқали ҳамда Туркий давлатлар ташкилотини (ТДТ) доирасида Ўзбекистондаги ислотларни қўллаб-қувватламоқда. Биз минтақад давлатлари ўртасидаги ҳамкорлик ва ўзаро боғлиқликнинг янада мустаҳкамлашишга ишонамиз. Шунингдек, Туркия Ўзбекистон ва Марказий Осиёнинг фаровонлиги, ривожланиши ва барқарорлигини қўллаб-қувватлашда давом этади.

— **Ташриф домида Анкара шаҳрида икки давлат раҳбарлари раислигида Стратегик ҳамкорлик кенгашининг учинчи йиғилиши ўтказилади. Йиғилиш кун тартиби ва кутилаётган натижалар ҳақидаги фикрларингиз билан ўртоқлашсангиз.**

— Дарҳақиқат, бу йиғилишда Ўзбекистон ва Туркия алоқаларини янада ривожлантиришнинг муҳим йўналишлари муҳокама қилинади. Ўзбекистон ва Туркия ўртасидаги Стратегик ҳамкорлик кенгашининг 2020 ва 2022 йилларда олий даражадаги иккита йиғилиши бўлиб ўтган. Бу галти Анкара саммитига тайёргарлик доирасида 2023 йил 26-27 сентябрь кунлари ташқи ишлар вазирилар даражасидаги қўшма Стратегик режалаштириш гуруҳи йиғилиши

ўтказилди. Шунингдек, 2023 йил 26 декабрда қўшма савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ҳукуматлараро комиссиянинг 7-йиғилиши ва 2024 йил 14-16 январь кунлари эса Мудофаа саноати ҳамкорлиги кенгашининг иккинчи йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда савдо-иқтисодий, энергетика, транспорт, фан, технология, таълим, қишлоқ хўжалиги каби турли соҳаларда икки томонлама ҳамкорлиқни янада ривожлантириш бўйича истиқболдаги вазибалар белгилаб олинди. Турizm, соғлиқни сақлаш ва маданий алоқалар ҳам алоҳида эътибор қаратилади.

Саммит олдидан Ўзбекистон — Туркия бизнес-форуми бўлиб ўтди. 6 июнь кунини эса икки давлат раҳбарлари иштирокида ишбилармон доира вакиллари билан давра сўхбати ташкил этилади. Бир сўз билан айтганда, ҳар икки давлат раҳбарлари томонидан белгиланган умумий мақсад доирасида 2023 йилда 3 миллиард АКШ долларидан зиёдани ташкил этган зарар савдо ҳажмини 5 миллиард долларга етказиш учун аниқ қадамлар белгилаб олинди.

Йиғилиш доирасида икки давлат раҳбарларининг муносабатларида эришилган юксак даражани асб эттирувчи Қўшма декларацияни имзолаш ҳам режалаштирилган. Бундан ташқари, алоқа, кадастр, касб-хунар таълими, боғхона, космик фанлар, биродарлашган шаҳарлар ва стандардлаштириш каби соҳаларда қўллаб-шартнома билан имзоланиши кўзда тутилган. Энг муҳими, мақсадимиз битта, у ҳам бўлса, муносабатларимизни янада мустаҳкамлашдир. Ўзбекистон томонининг, Президентларнинг ҳамкориши шундай. Модомики, мақсад — бир, ният — муштарак экан, биз, масъуллар учун ишлаш бағоят осон кечади. Аминамки, давлатларимиз раҳбарлари намойиш этган ирода доирасида муносабатларимиз келтириш йилларда бундан-да юқори даражадага кўтарилади.

Шунингдек, музокаралар домида томонлар халқаро сийёсатнинг долзарб масалалари юзасидан ҳам фикр алмашадир.

— **Ўзбекистон — Туркия муносабатларини иқтисодий дипломатияси тасаввур қилиш кийин. Бу борада мамлакатларимиз ўртасидаги вазиит қандай ва бутунги глобаллашув дарида қайси соҳаларга кўпроқ эътибор қаратиш керак деб ўйлайсиз?**

— Юқориде айтиб ўтганимдек, икки томонлама сийёсий муносабатларимиз муккамал даражада давом этиб келмоқда. Уларни қўллаб-қувватлаш учун савдо ҳамкорлигимиз-

нинг аҳамияти катта. Алоқаларимизнинг муҳиятига қарайдиган бўлса, савдо ришталари олдинги ўринларга чиққанини пайқаш мумкин. Туркиянинг Ўзбекистон ташқи савдоси ҳажмидаги улуши 2017-2023 йилларда 16 фоизга ошди. Мақсадимиз ўзаро импорт ва экспортни диверсификация қилиш ва ошириш ҳамда қўшма лойиҳаларни кўпайтириш орқали бу кўрсаткични янада яхшилашдир. Шу мақсадда икки йўналишларни аниқлаб, тегишли чоралар кўришни ўз олдимизга белгилаб олганмиз.

Мамлакатларимиз ўртасидаги қўшма савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ҳукуматлараро комиссия савдо-иқтисодий алоқалар нуқтан назаридан муҳим аҳамиятга эга. Бу механизм ишбилармон доира вакиллари ва Савдо-саноат палаталари ўртасидаги ҳамкорлиқни жадаллаштиришга хизмат қиялпти. Комиссияга Туркия вице-президенти Жавдат Йилмас ва Ўзбекистон Бош вазири ўринбосари, иқтисодиёт ва молия вазири Жамишд Кўчқоров ҳамраслик қилмоқда. Комиссиянинг 2023 йил 26 декабрда Анкара шаҳрида бўлиб ўтган йиғилишида 107 моддадан иборат “Харакатлар режиси” тузилди. Мазкур дастур ижросини таъминлаш мақсадида икки мамлакатнинг тегишли муассаса ва ташкилотлари, тадбиркорлари, Савдо-саноат палаталари ўртасида яқин алоқалар ўрнатилган.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, Туркия Ўзбекистоннинг энергетика ва инфратузилма лойиҳалари, шаҳар тизимларини ривожлантириш бўйича ўз тажрибаси билан ўртоқлашишга тайёр. Ушбу йўналишдаги ҳамкорлигимизни тармоқлар асосида ривожлантиришнинг мақсад қилганмиз. Жорий йилда Ўзбекистон ишбилармон доира вакиллари мамлакатимизнинг қўллаб-қувватлашга мўлжал қилишга тайёр. Сафар домида бўлиб ўтган учрашув ва музокараларда мебелозолик, шиша, тилла ва заргарлик буюмлари, чарм ва тибийот соҳаларида қўшма лойиҳаларни амалга ошириш ҳамда тажриба алмаштиш бўйича “йўл хариталари” белгилаб олинди.

Биз, шунингдек, Ўзбекистон билан савдо-иқтисодий ҳамкорли

Маънавий юксалиш

ЎЗБЕК КИНОСИНИНГ  
нури шўли



“Тирик тарих” — давлатчилигимизнинг уч минг йиллик буюк тарихдан сўзлагувчи муҳташам лойиҳа

(Иккинчи мақола)

**Шўҳрат РИЗАЕВ,**  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси, профессор

Бошланиш 1-бегда

Чунки ўша кун миллий маънавиятимиз ва киноиз тарихига хизмат қилган жиддий гоавий-бадий ижодий дастур — Ўзбек давлатчилигининг уч минг йиллик буюк тарихи, шонли ва қайғули кечмиши, улғ сиймолари ҳаёти ва фаолиятига бағишланган “Тирик тарих” номи миллиардлаб сўм маблағ йўналтирилиши талаб этилган муҳташам кинолоиҳа хусусида сўз бормоғи керак эди. Халқнинг ҳар бир тийини учун жавобгарлик, уни нимага қандай сарфлаш, умуммаллақат манфаати учун қандай йўналтириш масаласи Президент учун энг бирамчи вазифа ва масъуляти. Шунинг учун ҳам давлатимиз раҳбари бошқа зарур жорий йомушларини бир оз ортга суриб бўлса-да, юрт келажига бевосита дахлдор маънавият ва уни кино воситасида ривожлантириш борасидаги машваратта алоҳида эътибор қаратди, вақт ажратди.

Ана энди шу жиддий, гоғ кўламдор ва тағдор мақсад қай даражада юзага чиқиб, қандай натижага келингани тафсилотлари хусусида баъзи мулоҳазалар тақдирини фурсати келди. Тўғриси айтсам, бугунги миллий киноизнинг об-ҳавосини белгилашда ўрни бор ижодкорлардан Эркин Аъзам, Шўҳрат Маҳмудов, Зулфиқор Мусоков, Абдуқаюм Йўлдошев, Жаҳонгир Қосимов, Назар Эшонкул, Ёлқин Тўйчиёв, Умид Ҳамдамов кабиларнинг учрашувда иштирок этишини истасан бўлардим. Афсуски, улар аксарияти сафарда, суратта олиш жараёнида, соғлиғини тиклаш билан банд бўлгани учун тақдир этилмади.

Қолаверса, ташриф кун тартибидан янги яратилган “Баҳодир Ялангтўш” фильми кўригич ҳам режиссёрларимизнинг учун шу фильм ижодкорлари — постановкачи режиссёр Жаҳонгир Аҳмедов, фильм продюсери Зафар Йўлдошев, актёрлар Матёқуб Матчонов, Беход Мухаммадқасимов, Тоҳир Саидов, Шахризода Дўстмухамедова тақдир этилган эди. Булардан ташқари, Ёлдор Саъдиев, Ҳилол Насимов, Лола Элтоева, Раъно Зокирова, Аюб Шаҳобидинов, Музаффархон Эркинов, Раъно Шодиёва, Фурқат Усмонов ҳам қатнашиб, бугунги кинематография, миллий киноизда юз берган жонлиши, ўзгарини, ислоҳотлар, улкан бунёдкорлик ишлари, худудий учрашувлар, кинокарвонлар, Тошкент халқаро кинофестивали тиклангани, Президентимиз шу янгиланганларга доимий эътибор кўрсатиб тургани, киночиларнинг ижтимоий ҳимояси, ўзларининг ижодий жараёнда доимий бандлиги ва бошқалар хусусида гапирди.

Давлатимиз раҳбари йиғилиш тизгинини қўлга олиб, барча ижодкорларини суҳбатга тортиди, бироқ турли андишада журъатсиз турганлар ташаббус кўрсатавермагач, уларга-да сўз айтиши имкони берилди. Каминани ўйланган ва икки ҳолат содир бўлди, наздимда. Биринчидан, Президентимиз иштироки санъаткорларини фильмлари, телевидениедаги чиқишлари орқали жуда яхши билишини сездим. Иккинчидан, йиғилиш раисидан уларнинг интеллектуал салоҳияти, фикр даражасини билиш истаги бор эди.

Нуктадан режиссёримиз Баҳодир Йўлдошев ўзаро суҳбатларимизда “Актёрлар — Аллоҳ назар солган одамлар, лекин улар ўз сўзи, фикрига эга эмас, бутун умр ўзгалар —

драматург, сценарийчилар ёзиб берган сўзларини айтиб, тирикчилик қилади. Бироқ ўша фикрларини томошабинга ёзуғисидан кўра таъсирлироқ етказиб”, деган эди. Ҳақиқатан, ҳажон босиб, назардаги актёрларимиз ҳам, режиссёрларимиз ҳам кўпроқ яқин ўтган замондаги тафсилотларга берилиб, келгусидаги режалари, истиқбол томон йўллаётган “Тирик тарих” кинолоиҳасига унча эътибор қаратолмади. Ваҳоланки, Президентимизга, аввало, шу борадаги фикр-мулоҳаза ва амалий тақдирлар муҳим эди.

Сабаби, бу тадбир халқимизнинг уч минг йиллик тарихи, Биринчи, Иккинчи Ренессанс, жадиличлик даврларида юз берган том маънода бурилиш, интилиш, юксалиш ҳодисалари, чор ҳукумати ва қизил шўролар ҳукмронлиги истибоди туфайли Туркистон сарҳадининг парчаланиб таназулга учраши, миллат ойдинлари бўлган буюк олим алломалар, дину диёнат пешволари, жасур саркарда, йўлбоши аждодларимиз, дунё тамаддунига ўзбек халқининг беназир хиссаси ҳақида келгусида яратиладиган фильмлар хусусида салмоқли, асосли, жўяли мулоҳаза ва тақдирлар мавриди эди.

Ўзоққа боришга зарурат йўқ; ўзбек киноизнинг қарийб юз йиллик кечмишини бир ҳаёдан ўтказайлик. Миллий республикада шакллантирилиб ривожлантирилган кинотармоқ, асосан, фақат номиллийликка, миллат тафаккурини, тили, динини бузишга, қизиллаштиришга хизмат қилиб келди. “Ўзбекфильм” халқ тилида ҳатто “Босмачи фильм”, дея истехо билан тилга олиндирилган бўлди. Ватанпарвар шоиримиз Муҳаммад Юсуф “Ўзбекфильм”, чўпчакларинг жонга теги”, деб ҳам эди. Ўзбекининг Иброҳим Раҳим, Одил Ёқубов, Улмас Умарбеков, Фарҳод Мусажонов, Омон Мухтор, Шароф Бошбеков каби қалби дардли, миллатсўяр адиблари турли даврларда бу даргоҳда меҳнат қилиб, “Кизил кўргонни забт этиб бўлмас экан”, дея армон билан ўтди. Чунки бу “кўргон”да асосий ҳал қилувчи куч коммунистик алвон шўролар билан батамом ўраб ташланган, ўйлаб-фикрласа-да, ёзиб-чизса, сўйласа-да, фақат “катта оғ”лардан улғи оладиган, жамият, оила, турмуш-турмуш, фарзанд-зуриёт тарбияси ўрчи-мезонини уларнинг умргузаронлик турғизига тақдирдан белгилаб қўриб, ўз тилидан, урф-одат, анъаналаридан орланиб яшайётган, исми-шарфига кўрагина миллатдош бўлган “киночил”лар эди. Бугун хотирамизда сақланаётган қай бир фильмни олманг, қизил мафкура ёрлиғидан холи эмасди.

1925-1991 йиллардаги “Ўзбекистон бадий фильмларининг мухтасар мазмуни каталоги”ни варақласангиз, шу даврларда суратта олинган 325 та бадий фильмнинг олтимиз-етмиш фоизи юртимизда қизил салтанатининг қарор топиб, илдиз отиши ҳақида бўлса, қолган барчаси советча гоавийликнинг ёрқин намуналари. Албатта, булар орасида мумтоз намуналар хисобланувчи “Тоҳир ва Зуҳра”, “Алишер Навоий”, “Ибн Сино”, “Абу Райҳон Беруний”, “Фурқат”, “Улуғбек юлдузи”, “Ноҳирабегим”, “Уткан кунлар”, “Меҳробдан чаён” каби тарихий мавзулардаги фильмлар ҳам бор. Лекин бундоқ дўпийни бошдан олиб, синчироқ назар билан кўрилса, бу фильмларнинг томирида ҳам айнан коммунистик мафкура кўпчилик турибди.

Эъзуви ва эзилувчи — бою камбағал, шўха авом, салтанат ва маърифат, диний мутоасабиллик, жаҳолатта беланган асрий тарихлар, Русия истибодидан топилган нажот, қоқоқ ва забун туриш-турмуш каби коммунистик тарбия китоблари, дарслик-қўлланмаларида битилган тушунчалар қайд этилган ва номлари саналмаган дярли барча фильмнинг асосий конфликт манбан ва мавзуси эди. Бироқ гоғ ҳар қанча сохта, ёт-бегона ва тубан бўлмасин, уни санъат воситасида жозибдор этиб, томошабинни маҳлиё қилиш бош мақсад эди. Бу мақсад йўлида ўн йиллар давомида маҳаллий истеъдодларни ўз таъсирига тортиш учун жуда катта ҳаракатлар кечди.

Таъсирга тортилмаган саркашлар каллаклариди, отилди, осилди, сургун қилинди, камида қалби, оғзи, кўзига “мил” тортилди. Энг мақбул усул эса маҳаллий истеъдодларни гўдак палласидан ўз домига тортиш, мустабиллар тили, маданияти, маърифати билан ўраб олиб, сингдириб юбориш эди. Шундай бўлди ҳам. Ўзимиздан чиққан баалога энди даво қайда эканига лолу ҳайрон бўлиб ўтирибмиз. Энг ачинарлиси, ўша оқу қизил мафкура-ни сингдиришга масъул этилган “дурағай” миллий режиссёр ва сценарийчилар буюк ва истеъдодли актёрларимиздан гоғт унумли фойдаланди. Биз бугун ўша мафкураси бегона мумтоз асарлар, хусусан, кинофильмларга буюк актёрларимизнинг бетақдор, беназир, ҳаётий, халқчил ва юксак бадий маҳорати туфайли мафтун бўлиб, қўзимизга суртамиз. Улар ижро этаётган образлар, бадий лавҳа, воқеа-ҳодисаларнинг моҳиятига синчков назираў ташламаймиз. Ижро юксалигидан маънису маҳлиё тан бериб, ўша фильмларини алқаб юраимиз.

Охири ойларда “Ўзбекистон тарихи” телеканалида киноиз тарихига бағишланган қатор кўрсатувлар, интервюлар эфирга узатилди. Шулар орасида 1966 йили ишланган “Лайлак келди, ёз бўлди” (урисча номи “Белье, белье аисты”) фильмига бағишланган кўрсатув ҳам икки-уч бор кўрсатилди.

бек қишлоқлари турмуш тарзи ва одамларини қоқоқ, жоҳил, шафқатсиз, тубан ва мутаассиб қилиб кўрсатишга қаратилган, мустабил қизил империячилик гоавий-мафкуравий мақсадларига хизмат қилдирилган эди. Бу фильмнинг ilk премьераси 1967 йил январда Москвада ўтказилиб, “марказ” мунаққиду томошабинлари томонидан айни кўзлангидек “қизгин” фикрларга сабаб бўлган.

Шундай фильмлар қарийб бир асрки халқимизнинг неча авлоди онгу шуурини заҳарлаб, забт этиб келган. “Ўзбекфильм”га кўрқинч ёрлиқлари муҳрланди. Миллийлик ўрнига сохта байналмилаллик, инсоний муносабатлар ўрнига коммунистик мазмун адабиётимиз ва санъатимиз каби киноизнинг ҳам бош мақсади бўлди. Унинг ўтган аср 20-30-йилларидан бошланган “салб юриши” муваффақиятли кечиб, не-не “зафар”лар кучиб, энди оқоваси мустақиллик даври кишилари онгу хотирасидан ҳам ҳануз чиқиб кетмапти. Боз устига, узок-яқиндан тез-тез эшитилиб қолаётган собиқ иттифоқчилик садолари ана шундай фильмларга кўр бериб, яна йўл очяпти. Шундай фильмлар яратган макуртсифат режиссёрлар энди ёш истеъдодлар саифига кўз тикиб, ўз мафкуравий соғинчини сингдиришга уринаяпти.

“Тирик тарих” кинолоиҳаси айнан шу ўтмишнинг империяча тушунчаларини бата-



Дикқат билан кўриб, телеканал мутасаддиларига мурожаат қилдим. “Кўрсатаётган фильмизини аввал ўзларингиз жиддийроқ кўриб оласизларми?” деб сўрадим. Филмдаги воқеалар сюжетига қара, ота-она хоҳиши билан оила курган аёл — Малика ўз ақилларига қарши бориб, муҳаббатсиз оиладан воз кечадиган ва қоқоқ урф-одатларга қарши исён кўтаради. Худди шундай: бошқа қишлоқлик Қаюм исми йиғит ҳам ота-она истагига қарши уйланмай, уйдан қочиб кетади. Ўша аёлнинг қишлоғига келиб, уни севиб қолади. Аёл ҳам унга кўнгил кўяди.

Ана энди жазавага тушган ота-оналарни кўринг. Бу қариялар образини Ҳриқмат Лагинов, Луфихон Саримсоқова, Саида Алиева, аёлнинг ақа-укасини Раззоқ Ҳамроев ва Жавлон Ҳамроев, қишлоқдошларини Раҳим Пирмухамедов, Соиб Ҳўжаев, Сайфи Олимов, Соат Толипов ҳамда турли катта-кичик персонажларини Сайрам Исаева, Болат Бейшиналиев, Лола Бадалова, Мухаммаджон Рафиқов, Рустам Саъдуллаев, Ваҳоб Абдуллаев, Ражаб Адашев, Тўғон Режаметов, Уктам Луқмонова, Мукамбар Раҳимов, Мелис Абзалов каби атоқли санъаткорлар уйнаган. Актёрлар яна Тожикистон, Қирғизистон, Россия, Грузиядан ҳам тақдир этилган. Буларнинг бари ўз-

мом синдириб, йўқотиб, бугунги ва келажак авлодлар қалби, руҳиятини ўз миллий ўтмиши, тарихи учун гуруру туйғуларига тўлдириши, ватанпарварлик хиссиётини шараф ва саодат, деб билишига хизмат қилмоғи лозим.

Ватанпарварлик хусусида Президентимизнинг ушбу гаплари йиғилишдаги аксарият иштирокидаги яшин ургандек таъсир қилди: “Яқин-яқингача ҳарбий соҳага кизикқан болаларимизни Жалолдин Мангуберди, Амир Темурдек болаларни қоқиб, “Суворевларлик мактаби”да ўқитиб келдик. Мана қандай фильм қилиш керак. Бугун энди “Темирбеклар мактаби”, Президент мактаблари фарзандларимиз учун эшикларини очиб турибди. Турли замонавий илмларни, мураккаб математик амалларни ўзлаштираётган минг-минглаб болаларимиз ўсяпти. Аммо менга уларнинг математик бўлиши шарт эмас, фарзандларимиз, аввало, ватанпарвар бўлишин!”

Ҳа, ватанпарварлар юртини ҳеч бир мустабилдасоратта, истибодда соломлайди. Биз мустабилдек деганда, кечмиш тарихимизнинг қадим юнону форс истибоди, Қуруш (Кир)дан бошлаб, Македонскийгача, арабу мўғул, сафавию жуноғор, оқу қизил чор ва советлар Россиясининг халқимиз бошига



солган не-не шафқатсиз қиргинбаротини ва уларга қарши матонат билан курашган жонфидо болаларимиз, подшоҳу саркарда, ёвқур баҳодирларимиз билан боғлиқ воқеа-тарихларини назарда тутамиз.

Ана шулар “Тирик тарих” кинолоиҳасининг, аввало, муқаддими бўлган “Қадимги даврлар” номи бўлими мавзулар доирасини белгилаган. Биз “Широқ”, “Афросиёб”, “Туллойим ва қирққиз” тарихи орқали она заминимизга қилинган тажовуз ҳамда унга қарши мардона курашган баҳодир аждодларимизни ёшларимизга ибрат тимсоли сифатида жонли, бадий лавҳаларда намён этамиз. Шўвядки, фарзандларимиз болаларини, ўзлагини таниб, кўҳна, мўйсафид тарихимизни буюк шоиримиз Эркин Воҳидов шеърый лафзидек “Ўзбегим” истилоҳи тушунчаси орқали идрок этса ва шарафласа, гуруру-ифтихор туйса.

Президентимиз нафақат қадимги даврлар, балки ўтган барча минг йилликларни, то шу кунгача кечмишларимизни қаҳрамонлик курашлари тарихи деб кўрсатмоғимиз кераклигини уқтириб, “Ешларимизни шу йўл билан кино орқали қўлга олишимиз, шиддаткор глобал дунёнинг ёт гоавларидан асраб қолишимиз мумкин”, деди. Ўша пайтда ҳаёлимизда яна 2017 йил 3 августдаги ижодкор зиёлилар билан суҳбат жонланди.

Давлатимиз раҳбари тарихий бу машваратда маънавиятимиз, адабиётимиз, санъатимиз, жумладан, киносанъатимиз борасида алоҳида тўхталиб, кинонинг бугунги дунёдаги ўрни ва ундан Ўзбекистонимиз манфаати учун қандай фойдаланишимиз кераклигини хусусида кўйидаги фикрини айтди: “Агар биз аждодларимиз хотирасини улғламақчи, шу асосда ўзбек номини, Ўзбекистон номини бутун дунёга тараннум этмоқчи эканмиз, бу ишнинг, биринчи навбатда, кино санъати орқали амалга оширилиши керак. Айнан кино санъати орқали жаҳон экранларини забт этишимиз, шу йўл билан дунё аҳлининг диққат-эътиборини қозонишим мумкин”.

Етти йил аввал айтилган айни шу сўзлар билан музейимизнинг “Янги Ўзбекистоннинг янги кино санъати” номи асосий экспозиция бўлими тарихини бошлаган эдик. Бу фикрлар биз учун маънавий очкич — концептуал йўналиш бўлиб хизмат қилди. Киноижодкорлар билан бу сафарги учрашувда Президентимиз ўша фикрини янада ривожлантириб, мантқан изчилликда давом эттирди: “Қино бизни янги босқичга олиб чиқад!”

“Ҳали марраларимиз баянда, қилдиган ишларимиз кўп. Ҳар бир соҳанинг ичига кириб, мукамал шугулланмас эканмиз, натижа бўлмайди”.

“Биз фақат фидоий меҳнатимиз билан ўзимизни ҳурмат қилишга дунё ҳамжамиятини мажбур қилмасак, натижа бўлмайди”.

“Агар биз маънавиятимизни, маърифатимизни йўлга қўямиз, деб айтсак, кинодек нури йўлимиз, кинодек нури келажакимиз йўқ”.

Демак, олдимизда фавкулда жиддий, кўламдор, улкан вазибалар турибди — кино орқали Ўзбекистонни, тарихию бугуни, заҳматкаш халқи ва ҳозирги бунёдкор замондошларимизни, илм-маърифат, зиёга интилаётган ёшларимизни фильм қаҳрамонларига айлантириб, бетақдор, ўзига хос об-

разини яратишимиз ва уларни дунё эътирофи эътибори даражада бадий мукамал кўрсата билишимиз зарур. Давлатимиз раҳбари шу олий мақсад учун маблағни аяммай, барча имкониятни яратамиз, деб айтди. Биздан пул сарфлаб, моддий даромад келтиришни эмас, маънавий баркамол жамият барпо этиш ва уни дунёга танитишда камарбаста, таъбир жоиз бўлса, маънавий локомотив бўлиши сўради. Етти йиллик камгарона уринишларимиздан муайян қонқиш ҳосил этиб, ҳатто “Ҳозир нима десанлар”, “Ҳа”, дейман... Мен сизлар билан фахрланман”, дея юксак лутф кўрсатди. Сўзларининг тасдиғи ўлароқ, пойтахтимизнинг нақд марказида олтиш йил аввал не-не умид билан қурилиб, не-не улгар шоиримиз Эркин Воҳидов шеърый лафзидек “Ўзбегим” истилоҳи тушунчаси орқали идрок этса ва шарафласа, гуруру-ифтихор туйса.

Президентимиз нафақат қадимги даврлар, балки ўтган барча минг йилликларни, то шу кунгача кечмишларимизни қаҳрамонлик курашлари тарихи деб кўрсатмоғимиз кераклигини уқтириб, “Ешларимизни шу йўл билан кино орқали қўлга олишимиз, шиддаткор глобал дунёнинг ёт гоавларидан асраб қолишимиз мумкин”, деди. Ўша пайтда ҳаёлимизда яна 2017 йил 3 августдаги ижодкор зиёлилар билан суҳбат жонланди.

Давлатимиз раҳбари тарихий бу машваратда маънавиятимиз, адабиётимиз, санъатимиз, жумладан, киносанъатимиз борасида алоҳида тўхталиб, кинонинг бугунги дунёдаги ўрни ва ундан Ўзбекистонимиз манфаати учун қандай фойдаланишимиз кераклигини хусусида кўйидаги фикрини айтди: “Агар биз аждодларимиз хотирасини улғламақчи, шу асосда ўзбек номини, Ўзбекистон номини бутун дунёга тараннум этмоқчи эканмиз, бу ишнинг, биринчи навбатда, кино санъати орқали амалга оширилиши керак. Айнан кино санъати орқали жаҳон экранларини забт этишимиз, шу йўл билан дунё аҳлининг диққат-эътиборини қозонишим мумкин”.

Етти йил аввал айтилган айни шу сўзлар билан музейимизнинг “Янги Ўзбекистоннинг янги кино санъати” номи асосий экспозиция бўлими тарихини бошлаган эдик. Бу фикрлар биз учун маънавий очкич — концептуал йўналиш бўлиб хизмат қилди. Киноижодкорлар билан бу сафарги учрашувда Президентимиз ўша фикрини янада ривожлантириб, мантқан изчилликда давом эттирди: “Қино бизни янги босқичга олиб чиқад!”

“Ҳали марраларимиз баянда, қилдиган ишларимиз кўп. Ҳар бир соҳанинг ичига кириб, мукамал шугулланмас эканмиз, натижа бўлмайди”.

“Биз фақат фидоий меҳнатимиз билан ўзимизни ҳурмат қилишга дунё ҳамжамиятини мажбур қилмасак, натижа бўлмайди”.

“Агар биз маънавиятимизни, маърифатимизни йўлга қўямиз, деб айтсак, кинодек нури йўлимиз, кинодек нури келажакимиз йўқ”.

Демак, олдимизда фавкулда жиддий, кўламдор, улкан вазибалар турибди — кино орқали Ўзбекистонни, тарихию бугуни, заҳматкаш халқи ва ҳозирги бунёдкор замондошларимизни, илм-маърифат, зиёга интилаётган ёшларимизни фильм қаҳрамонларига айлантириб, бетақдор, ўзига хос об-



# ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЖСТГА АЪЗО БЎЛИШ ЙЎЛИДАГИ ҲАРАКАТЛАРИ ИЖОБИЙ БАҲОЛАНДИ

Тошкентда "Ўзбекистонда иқтисодий ислохотлар ва Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш жараёни" мавзусида конференция бўлиб ўтди. Тадбир Ўзбекистон ҳукумати томонидан Жаҳон савдо ташкилоти, Жаҳон банки ва Халқаро валюта жамғармаси кўмағида ташкил этилди.

Жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ) бош директори доктор Нгози Окунжов-Ивеала хонимнинг юртимизга расмий таширифи доирасида ўтказилган анжуман Ўзбекистоннинг ЖСТга аъзо бўлиш жараёнидаги муҳим босқич ҳисобланади.

Тадбирда мамлакатимизда сўнгги етти йилда амалга оширилган иқтисодий ислохотлар самаралари ва бу борадаги ривожланишни тезлаштириш бўйича 2030 йилгача мўлжалланган режалар ҳамда ЖСТга аъзо бўлиш жараёни муҳокама қилинди.

Тадбир аввалида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ёрданчи Саид Мирзиёева, Жаҳон савдо ташкилоти бош директори доктор Нгози Окунжов-Ивеала ва Ўзбекистон Бош вазирини ўринбосари Жамшид Хўжаев сўзга чиқди.

Саид Мирзиёева ўз чиқишида таъкидлаб ўтганидек, Президент Шавкат Мирзиёев қатор давлат корхоналарининг эксклюзив ҳуқуқларини бекор қилуви фармонини имзолади. Зеро, ушбу кўп йиллик муаммо аксарият давлат корхоналарининг бозор иқтисодиётига ўтиш имконини, пировардида эса хусусий сектор учун тенг имкониятларни чеклаб келган.

Президент Ёрданчи, шунингдек, Ўзбекистоннинг ЖСТга аъзо бўлиш борасидаги қатъий ниятини яна бир бор тасдиқлади ва бу мақсадга эришиш учун қўйилган қадамларни санаб ўтди:

— Асосий мақсадимиз даромади ўртадан юқори давлатлар қатрига кўшилиши, — деди Саид Мирзиёева. — Бу аҳоли фаровонлигини барқарор иқтисодий ўсиш ҳисобига оширишни назарда тутди. 2030 йилга келиб мамлакат ЯИМни икки баробар ошириш, камбағаллик даражасини 7 фоизга тушириш ниятида.

ЖСТ Бош директори Ўзбекистон томонидан иқтисодий муҳитни яхшилаш учун амалга оширилаётган салмоқли саъй-ҳаракатларни қайд этиб, ЖСТга аъзо бўлиш жаҳон иқтисодиётига интеграциялашув йўлида муҳим қадам бўлишига ишонч билдирди.

Республикамиз иқтисодий ислохотлар ва миллий қонунчиликни ЖСТ қоидаларига мувофиқлаштириш борасида муайян натижаларга эришяётганини эътироф этилди.



Сўнгги йилларда Ўзбекистон ЖСТ келишувларига мувофиқ, 30 та норматив ҳужжат қабул қилди, 14 давлат билан икки томонлама музокарани якунлади. Ушбу ислохотлар мамлакатимизни глобал қўшилган қиймат занжирига интеграция қилиш, ташқи бозорни кенгайтириш, иқтисодиёт рақобатбардошлигини ошириш орқали аҳоли фаровонлигини юксалтиришга қаратилган. Бу жараёнда ЖСТга аъзо бўлиш муҳим аҳамият касб этиб, халқаро савдо муносабатларини яхшилашга кўмаклашди.

Маълумот ўрнида айтиш жоиз, 2024 йил 24 май кунини Швейцариянинг Женева шаҳрида Ўзбекистоннинг ЖСТга аъзо бўлиш бўйича Ишчи гуруҳнинг 8-йиғилиши ўтказилди. Тадбирда мамлакатимиз делегацияси иштирокчида ЖСТнинг барча аъзо давлатлари билан келишилган Ишчи гуруҳ ҳисоботи лойиҳаси элементлари муҳокама қилинди. ЖСТ кели-

шувларига миллий қонунчиликни мувофиқлаштириш бўйича ислохотлар тақдим этилди, илк бор қиллоқ ҳўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чораларини кўриб чиқиш бўйича кўп томонлама муҳокама ўтказилди.

Конференция доирасида панел сессиялари ҳам бўлиб ўтди. Сессияларда парламент аъзолари, вазирлик, идоралар раҳбарлари, халқаро ташкилотлар ва дипломатик корпус вакиллари иштирок этди.

Биринчи сессияда 2017-2023 йиллар стратегиясига мувофиқ амалга оширилган иқтисодий ислохотлар ва 2030 йилгача бўлган Янги Ўзбекистон стратегиясига кўзда тутилган кейинги чора-тадбирлар таҳлилий муҳокама қилинди. Халқаро савдо тизими, жумладан, ЖСТга интеграция жараёнининг аҳамияти таъкидланди.

Сессияда Президентнинг иқтисодий ривожланиш масалалари бўйича маслаҳатчиси Рав-

шан Фуломо, Олий Мажлис Сенати раисининг биринчи ўринбосари Содиқ Сафоев, Жаҳон банкининг Марказий Осиё бўйича минтақавий директори Татьяна Проскураева ва Халқаро валюта жамғармасининг Ўзбекистондаги вакили Коба Гвенегадзе иштирок этди.

Иккинчи сессияда миллий қонунчиликни ЖСТ келишувларига мувофиқлаштириш бўйича саъй-ҳаракатлар муҳокама қилинди. Му- тахассислар қонунчилик ҳужжатлари қабул қилингани, божхона тартибининг соддалаштири- ши ва тезлаштиришда сезиларли ижобий ўз- гариллар юз бергани, озиқ-овқат хавфсизлиги ва техник тўсиқларни бартараф этиш бўйича халқаро стандартларни қонунчиликка жорий қилинаётгани қайд этилди.

Халқаро ташкилотлар ва дипломатик корпус вакиллари юртимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг ижобий тенденция- сини эътироф этиб, Ўзбекистоннинг иқтисод- ий ва ижтимоий мақсадларга эришиш бўйича саъй-ҳаракатларини тўлиқ қўллаб-қувватлаш- ни билдирди.

— Ўзбекистоннинг ЖСТга қўшилиш бора- сида олиб бораётган тизимли ҳаракатларини ижобий баҳолаш мумкин, — деди Халқаро валюта жамғармасининг мамлакатимиздаги ва- кили Коба Гвенегадзе. — Охириги етти йил мо- байнида мамлакатда иқтисодиёт, савдо-сотих соҳаларида кескин ривожланиш кузатилди. Ишонимки, ислохотлар шу зайл давом этса, ЖСТга қўшилиш тез фурсатларда амалга оша- ди. Ташкилотга аъзолик Ўзбекистонга катта имкониятлар беради. Бу ўзгаришлар вилоятлар иқтисодий жиҳатдан қучайишига ёрдам бера- ди. Экспортнинг ҳажми ва географияси кенга- йди. Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистоннинг ЖСТга аъзо бўлиши дунё миқёсида мамлакат мавқени янада юксалтиришга хизмат қилади.

Конференция доирасида экспертлар давлат раҳбари томонидан 2024 йил 3 июнь кунини имзо- ланган муҳим фармоннинг аҳамиятига алоҳида тўхталиди. Мазкур ҳужжат мамлакатда амалга оширилаётган тизимли ислохотларнинг давомий сифатида ЖСТга аъзо бўлиш жараёнини тез- лаштиришга ёрдам бериши таъкидланди.

Анжуман Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш, шунингдек, ЖСТ халқаро стандартларига амал қилиш бўйича қатъий интилишини кўрсатди.

Гўзал САТТОРОВА,  
ЎЗА мухбири

Пойтахтимиздаги Форумлар саройида Ўзбекистон — Германия ишбилармонлар кенгашининг VIII мажлиси бўлиб ўтди.

## ЎЗБЕКИСТОН — ГЕРМАНИЯ ИШБИЛАРМОНЛАР КЕНГАШИНИНГ НАВБАТДАГИ МАЖЛИСИ



Икки мамлакат вазирлик ва идора- лари раҳбарлари, ишбилармон доира вакиллари ва тадбиркорлар иштирок этган тадбирда Ўзбекистон Респуб- ликаси Бош вазирини ўринбосари Абдулла Арипов ва Германия иқтисодиёти Шарқий қў- митаси президиуми аъзоси Манфред Грундке ҳамраислик қилди.

Йиғилишда давлатларимиз раҳбар- ларининг узқоқни кўзлаб олиб бораёт- ган сиёсати тўғрисида бугун Ўзбекистон ва Германия муносабати стратегик ҳам- корликнинг мутлақо янги даражасига кўтарилгани таъкидланди. Зеро, Герма- ния Ўзбекистоннинг Европа Иттифо- қидаги энг йирик савдо ҳамкорларидан бири ҳисобланади.

Маълумотга кўра, охириги олти йил- да ўзаро савдо айланмаси икки қарра ошди. 2023 йил якуни бўйича товар айирбошлаш миқдори 1 миллиард дол- ларни ташкил этган. Мамлакатимизда не- мис капитали иштирокидаги қўшма корхоналар сони уч баробар кўпайди. Бунда Ўзбекистон — Германия ишби- лармонлар кенгаши фаолияти муҳим аҳамият касб этаётгани қайд этилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев жорий йилнинг 2 май кунини бўлиб ўтган учинчи Тошкент халқаро инвестиция форумидаги нутқида мамлакатимизда инвестиция ва бизнес муҳитини тўб- дан яхшилаш, бу йўлдаги тўсиқларни босқичма-босқич бартараф этиш учун қатъий қадамлар ташланганини таъкидлаган эди. Зеро, юртимизда охириги етти йилда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш учун муҳим қарор- лар қабул қилинди. Ҳар бир сармоядор ўзини эркин ва ишончли ҳис қилиши учун кенг қўламли ишлар амалга оши- рилмоқда. Бизнес учун қўлай шароит яратишга қаратилган ислохотлар на- тижасида 200 дан ортиқ лицензия ва рухсатнома бекор қилиниб, солиқ тури 12 тадан 9 га чамайтирилди, ай- рим солиқлар ставкаси 2 баробар па- сайтирилди. Шунингдек, қўшилган қиймат солиғи ставкаси 15 фоиздан 12 фоизга туширилди, фойда солиғи эса фаолият турига қараб 5-15 фоизни ташкил этмоқда. Қиллоқ ҳўжалиги ва ижтимоий соҳаларда фаолият юритув- чи корхоналар фойда солиғи тўлашдан тўлиқ озод этилди.

Бир сўз билан айтганда, сўнгги йил- ларда иқтисодиётимиз қарийб икки баробар ўсди. Утган йил якуни бўйича ижобий ўзгариш суръати 6 фоизга тенг бўлди. Инфляция 9 фоизгача пасайди. Савдо айланмаси кўрсаткичи муттасил ошмоқда. Валюта бозори ва олтин за- хираси барқарорлиги таъминланмоқ- да. Шу маънода, Ўзбекистон — Гер- мания ишбилармонлар кенгаши мажлиси форматидagi тадбирлар мамлақати- мизда айна йўналишда олиб борилаёт- ган ишларнинг мантиқий давомидир.

Дарҳақиқат, маҳаллий ва хорижий инвесторларга яратилаётган қўлайлик-

лар натижасида Европа бизнеси вакил- ларида Ўзбекистонга қизиқиш тобора ортапти. Учрашувлар, шуларни инобат- га олган ҳолда Германия ишбилармон доиралари билан "яшил" энергетика, рақамлаштириш, инсон ва меҳнат ре- сурслари, озиқ-овқат хавфсизлиги, соғлиқни сақлаш ва фармацевтика, металлургия, кимё, автомобилсозлик, электротехника ҳамда бошқа кўплаб соҳаларда ўзаро манфаатли ҳамкор- ликни янада ривожлантириш истиқ- боллари юзасидан атироғича фикр алмашилди.

Мулоқот чоғида республикамизда фаолият юртакдан "Knauf", "Klaas", "Papeburg", "Falk Porsche", "Siemens", "Linde" сингари қатор нуфузли ком- паниялар фаолияти эътироф этилди. "Deutsche Bank", Германия тараққиёт банки "KfW", "Commerzbank" каби молия муассасалари мамлакатимиз та- раққиётига фаол кўмаклашаётгани та-ъкидланди.

Ўзбекистон — Германия ишбилар- монлар кенгаши мажлиси доирасида бизнес-форум ҳам ўтказилди. Тадбирда ўзаро товар айирбошлаш миқдорини ошириш, турли соҳада қўшма инвести- ция лойиҳаларини рўёбга чиқариш бў- йича ҳамкорликни янада ривожланти- риш масалалари муҳокама қилинди. Ўз навбатида, неми компаниялари илгор тажрибаси асосида ахборот техноло- гиялари, "яшил" энергетика, транспорт, инфратузилмани ривожлантириш каби муҳим йўналишлар бўйича янги лойи- ҳаларни биргаликда амалга оширишга келишиб олинди.

— Учрашувлар ҳамкорлигининг асо- сий мезонини белгилаб, янги йўл хари- таси ишлаб чиқишга хизмат қилади, — деди "Deutsche Invest Capital Partners" компанияси бошқаруви директори Армин Вэйланд. — Компаниямиз Ўз- бекистон билан мустаҳкам ҳамкорлик ўрнатган. Биз ёш ҳамшираларга немис тилини ўргатиш, уларни Германияда иш билан таъминлаш ва малакасини оширишга қаратилган бир қатор лой- иҳаларни амалга оширивмиз. Бугун- ги конференцияда қарийб юзга яқин Германия компанияси иштирок этди. Бу мамлакатимиз бизнес вакилларига юртингизга қизиқиш кучли эканидан далолат беради. Ўзбекистонда барқа- рор иқтисодий муҳит ҳукмрон, мамла- катингиз халқаро ҳамкорлар учун доим очик. Айни шу жиҳатлар муваффақия- тингизнинг асосий омилдир.

Тошкентда бўлиб ўтган Ўзбекис- тон — Германия ишбилармонлар кен- гашининг навбатдаги мажлиси турли соҳада қўшма инвестиция лойиҳа- ларини рўёбга чиқариш бўйича ҳам- корликни янада ривожлантириш каби муҳим масалалар муҳокама қилинган- и билан самарали бўлди.

Марҳабо МАДАМИНОВА,  
ЎЗА мухбири

## ЯНА БИР ТАШАББУС ХАЛҚАРО ҲАМЖАМИЯТ ТОМОНИДАН ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНДИ



Жорий йил 4 июнь кунини БМТ Бош Ассамблеяси Ўзбекистон ташаббуси билан "Марказий Осиё давлатларининг гиёҳвандлик билан боғлиқ муаммоларни самарали ҳал этиш ва бартараф этиш учун ягона фронт бўлиб ҳаракатланиш ва ҳамкорлик қилишга тайёрлиги" резолюциясини бир овоздан қабул қилди.

Резолюцияга 30 дан ортиқ аъзо давлатлар ҳаммуаллифлик қилди.

Ҳужжат лойиҳасини Бош Ассамблеяда тақ- дим этар экан, Ўзбекистоннинг БМТдаги доим- ий вакили Улугбек Лапасов резолюция кон- цепцияси Ўзбекистон Президентининг БМТ Бош Ассамблеясининг 76-сессиясидаги нутқи

асосида ишлаб чиқилганини алоҳида таъкид- ладди. Жумладан, нутқида давлатимиз раҳбари томонидан Марказий ва Жанубий Осиё мам- лакатларини қамраб оладиган Гиёҳвандликка қарши умумий Ҳаракатлар режасини ишлаб чиқиш ташаббуси илгари сурилганини алоҳи- да қайд этиш жоиз.

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Бош котиби Чжан Мин анжуман иштирокчиларини қут- ларкан, ҳамкорлик доирасидаги умумий йу- туқларга эътибор қаратди.

— Кейинги ой Остона шаҳрида бўлиб ўтadиган навбатдаги саммитда Беларуснинг ШХТга қўшилиши тўғрисида қарор қабул қилинади ва шу тариқа тузилмага аъзо давлат- лар сони ўнлик маррадан ўтади, — деди Бош котиб. — Эришилаётган натижалар умумий манфаатимизга, ташкилотнинг тинчлик ва хавфсизликни сақлаш, барқарор ривожланиш- ни таъминлашга қаратилган аниқ мақсадлари- га мос келишини исботламоқда.

Ҳужжатда Ўзбекистон Республикасида гиёҳвандлик ва нарқожиятларга қарши ку- рашиш бўйича 2024-2028 йилларга мўлжал- ланган Миллий стратегиянинг асосини ташкил этувчи концептуал қоидалар инобатга олинган.

Резолюцияда таъкидланганидек, Марказий Осиёда Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш мунтақада гиёҳванд моддалар савдо- си ва гиёҳвандликка қарши кураш билан чам- барчас боғлиқ.

Ҳужжатда, шунингдек, Ўзбекистоннинг янги сиёсати тўғрисида мунтақада юз бераётган ижобий ўзгаришларга алоҳида эътибор қарати- лган. Мунтақа давлатларининг мавжуд ижобий тажрибаси асосида гиёҳвандлик муаммо- сини ҳал қилишга глобал ёндашув доирасида гиёҳвандликка қарши самарали ҳамкорликка интилиши таъкидланди.

Резолюцияда аъзо давлатлар Марказий Осиё мамлакатларининг гиёҳвандликдан холи жа- миатни фаол тарғиб қилишга қаратилган саъй- ҳаракатларини, бу борадаги халқаро мажбурият- ларни бажаришга содиқлигини, гиёҳвандлик билан боғлиқ масалалар бўйича минтақавий ва халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлашга қатъий интилишларини ижобий қайд этиди.

Хусусан, ҳужжатда гиёҳвандлик воситала- ри ва уларнинг прекурсорларининг ноқонуний айланishiга қарши курашиш бўйича комплекс ишларни амалга ошириш, стратегик ташаббус ва чора-тадбирлар режаларини ишлаб чиқиш кўзда тутилган. Худудий электрон маълумот- лар базасини жорий этиш, сўрономалар ва тадқиқотлар ўтказиш, ахборот технологиялари ҳамда ижтимоий тармоқлардан гиёҳвандлик

билан боғлиқ жиноий мақсадларда фойдала- нишга қарши курашиш, виртуал валюталарни тартибга солиш, нарқобизнес, жумладан, уюш- ган жиноятчиликнинг бошқа шакллари билан алоқадорлиги нуқтаи назаридан моливий асосларга пугур етказиш каби аниқ амалий чо- ралар кўриш муҳимлиги таъкидланди.

Резолюция БМТнинг тегишли тузилмалари, халқаро молия институтлари ва аъзо давлат- ларни гиёҳванд моддалар билан боғлиқ муам- моларни ҳар томонлама ҳал этишда Марказий Осиё бўйича ҳамкорликни кенгайтириш ва қўллаб-қувватлашга қақиради.

Бош Ассамблея ялпи мажлиси муҳомама- ларида делегациялар резолюцияни қўллаб- қувватлаб, ушбу муҳим резолюцияни илгари сургани учун Ўзбекистон раҳбариятига мин- натдорлик билдирди. Мазкур ҳужжат жаҳон- да гиёҳвандлик муаммосига қарши глобал комплекс курашга катта ҳисса қўйиши ало- ҳида қайд этилди.

Шунингдек, сўзга чиққан делегатлар Ўзбе- кистон делегациясининг консенсус натижасида эришиш учун "Ўзаро мақбул муроса ва ечим- лар"ни топши бўйича изчил саъй-ҳаракатлари- ни олқишладилар. Ҳужжатни очик, ошқора ва инклюзив тарзда кўриб чиқиш, унинг консен- сус асосида қабул қилиниши ижобий вазият яратилиши ва БМТда гиёҳвандликка қарши бош- қа ташаббуслар бўйича консенсусга эришиш учун асос бўлиши билдирилди.

"Дунё" АА  
Нью-Йорк

## ҲАМКОРЛИКНИНГ УСТУВРО ЙЎНАЛИШЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Тошкентда "Замонавий шароитда ШХТнинг ўрни: умумий хавфсизлик, барқарорлик ва фаровонлик йўлида саъй-ҳаракатларни бирлаштириш" мавзусидаги Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Форумининг XIX йиғилиши бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Стратегия ва минтақалараро тадқиқотлар институти (СМТИ) раислигида ташкил этилган анжуманда 40 дан зиёд эксперт, жумладан, аъзо давлатлар миллий тадқиқот марказлари делегациялари, кузатувчи ва мулоқот бўйича ҳамкор давлатлар вакиллари, шунингдек, ШХТ Котибияти ва Минтақавий аксидентерор тузилмаси Ижрия қўмитаси раҳ- барияти иштирок этди.

Тадбирни кириш сўзи билан очган СМТИ директори Элдор Арипов ШХТ фаолиятига юксак баҳо берди. 20 йилдан кўпроқ вақт мо- байнида ташкилот ўзига хос шаклланиш ва та- раққиёт йўлини босиб ўтиш орқали замонавий халқаро муносабатлар тизимининг ажралмас бўлагига айланганини қайд этди.

— Бугунги кунда ШХТ оиласи сайёраимиз аҳолисининг қарийб ярми истиқомат қилади- ган бепоеён худудни бирлаштирган дунёдаги

йирик минтақавий ташкилотга айланди, — деди Э.Арипов. — Тузилмага қўшилишга тайёр давлатлар сони тобора ортомоқда. Зеро, халқаро ҳамжамият ШХТ тимсолида хавф- сизлик ва фаровонликка фаол ҳисса қўшаёт- ган жозибдор тизимни кўряпти.

— Кейинги ой Остона шаҳрида бўлиб ўтadиган навбатдаги саммитда Беларуснинг ШХТга қўшилиши тўғрисида қарор қабул қилинади ва шу тариқа тузилмага аъзо давлат- лар сони ўнлик маррадан ўтади, — деди Бош котиб. — Эришилаётган натижалар умумий манфаатимизга, ташкилотнинг тинчлик ва хавфсизликни сақлаш, барқарор ривожланиш- ни таъминлашга қаратилган аниқ мақсадлари- га мос келишини исботламоқда.



Қайд этиш керак, Ўзбекистон ШХТнинг тасвирчи давлатларидан бири сифатида ташкилот ривожига салмоқли ҳисса қўшиб кел- моқда. Мамлакатимизнинг кўп томонлама ҳамкорликни кенгайтириш ва "Шанхай руҳи"

тамоийлини биргаликда амалга оширишга со- диқлик, маданиятлар хилма-хиллигига чуқур ҳурмат ҳиссини намоён этиши ҳамкорлар то- монидан алоҳида эътироф этилади.

Тошкент ҳар доим ШХТнинг жаҳон

миқёсидаги нуфузини ошириш, улкан сало- ҳиятини юзага чиқариш, иштирокчи мам- лакалар халқлари фаровонликка эришиши учун ҳамкорликни янги сифат даражасига кўтаришга интилиб келади.

2017-2023 йил- ларда давлатимиз раҳбари ШХТ саммитла- рида савдо-саноат ва технологик ҳамкорлик- ни ривожлантириш, иқтисодиёт ва транспорт занжирини мустаҳкамлаш, инновация, ра- қамли трансформация, яшил иқтисодиёт, маданий-ижтимоий ҳамда халқ диплома- тиаси соҳаларида шерикликни ривожланти- ришга қаратилган 70 дан ортиқ салмоқли ва долзарб ташаббусларни илгари сурган. Энг муҳими, бу таклифлар ШХТнинг йўл хариталари, меъёрий-ҳуқуқий, дастурий ва концептуал ҳужжатларида акс этиб, кўп то- монлама ҳамкорлигининг янги механизмида кўринишида тизимли амалга оширилмоқда.

Умуман, Ўзбекистон томонидан илгари су- рилаётган ташаббуслар миллий манфаатлар ва мамлакат тараққиётининг устувор йўна- лишларини акс эттиради, ШХТ давлатла- рининг барқарор ривожланишига йўналиш- ланган асосий вазафа ва мақсадларга мос

келади ва шу боис, кўпчилик давлатлар то- монидан кенг қўллаб-қувватланади.

Маълумот ўрнида келтириш жоиз, 2006 йил ташкил этилган ШХТ Форуми кўп томонла- ма консалтинг, эксперт ва тадқиқот тузилмаси сифатида ташкилот фаолиятини илмий таъ- минлайдиган автоном механизм ҳисобланади. Форум йиғилишлари йилга бир марта аъзо давлатлар миллий тадқиқот марказлари ишти- рокида ўтказилади. Навбатдаги Тошкент анжу- мани дастуридаги учта сессия йиғилишида ҳам аъзо давлатлар муҳокамасига кенг ўрин берилди.

Хусусан, "ШХТ доирасидаги ҳамкорлик- нинг устувор йўналишлари: фойдаланилма- ган имкониятларини ҳар томонлама юзага чиқариш", "ШХТнинг ҳозирги ривожланиш босқичида самарадорлиқни ошириш", "ШХТ Форуми фаолиятини такомиллаштириш ис- тикболи" мавзулари аъзо давлатлар таҳлил марказлари етакчи экспертлари иштирокида муҳокама қилинди.

Гайрат ХОННАЗАРОВ,  
ЎЗА мухбири





Туризм

МЕҲМОНДЎСТЛИК ОРТИДАН ФАРОВОНЛИК КЕЛАДИ

Навоийга бу йил 350 минг хорижлик сайёҳ ташриф буюради



Ғолиб АБДУСАЛОМОВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири

Шу ҳафта бошида Президентимиз раислигида туризмни янада ривожлантириш бўйича устувор масалалар юзасидан видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди. Унда соҳадаги устувор вазифалар ва қилиниши лозим бўлган ишлар танқидий нуқтаи назардан кўриб чиқилди.



давомида айланмадан олинаниган солиқ ва ижтимоий солиқни 1 фоз ставкада, мол-мулк, ер, сув солиқларини ҳисобланган суммадан бор-йўғи 1 фозини тўлаш тизими жорий этилган.

дан Бухоро вилоятига туташ бу замин азалдан меҳнаткаш халқи, ишбилармон инсонлари билан вилоятда ўз ўрнига эга. Биргина Зарметан қатгининг довуғини эшитмаган киши бўлмаса керак.

хорижлик сайёҳларни жалб этиб келаётган Тошмасжид меъморий ёдгорлиги ва минораси 1583-1585 йилларда Абдуллоҳон даврида барпо этилган. У ўша даврларда Бухорои шарифда жуда катта нуфузга эга бўлган жуйборийлар вакили бўлиши Хўжа Саййид Жуйборий ҳомийлигида тикланган.

Тошларга ўйиб чизилган расмларнинг барчасини бир қарашда илғаб олиш мушкул. Тонгда, тушлик вақти, қуёш ботаётганида ва фақат ёмғир ёққандагина кўринадиган тасвирлар бор.

Бинобарин, Навоий вилоятининг ҳам сайёҳлик салоҳияти юқори. Худуднинг тарихий қадамжолари, бетакрор табияти, сув ҳавзалари, чўл кенгликлари, қадимий обидалари ҳар қандай меҳмонни ўзига жалб қилиши табиий.

Тоғлар бағридаги сўлим қишлоқлар

Лангар қишлоғи Хатирчи тумани марказидан 50 километр узоқда, баланд тоғлар орасидаги дарада жойлашган. Қишлоққа йилга 100 мингдан зиёд маҳаллий ва 2 мингдан ортиқ хорижлик сайёҳ келади.

ўзига хосдир. Қоятошларга ишланган V-VI асрларга оид петроглифлар, тоғ тепасидаги кўхна кўрғон қолдиқлари, XI-XVIII асрларга оид тошга ўйилган ёзувлар ҳамда қишлоқнинг энг юқори нуқтасидаги Фозилмон кўли диққатга сазовор жойлардир.

Юртимизда туризм салоҳияти юқори бўлган худудларга “туризм маҳалласи”, “туризм қишлоғи” ва “туризм овули” мақоми берилмоқда. Хусусан, Жаҳон туризм ташкилоти Бош Ассамблеясининг Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган 25-сессияси доирасида Сентоб “2023 йилнинг энг яхши туризм қишлоғи” дея эътироф этилгани чекка бир худуднинг янги имкониятларини очди.

Туманининг туризм салоҳиятида Тўдакўл сув ҳавзаси алоҳида ўрин тутди. Сахродаги жавоҳир, дея таъриф берилганидан бу масканларча қулайликларга эга дам олиш масканлари ташкил этилиб, пляж туризми йўлга қўйилган.

Соҳил атрофидаги дам олиш масканлари бир вақтнинг ўзида 2500 сайёҳга хизмат кўрсатиш қувватига эга. Худудда янги пляж, туризм зоналари, дам олиш масканлари, оилавий меҳмон уйлари сони ортиб бормоқда.

Очиқ осмон остидаги музей

Навоий вилоятининг туризм салоҳиятида Сармишой дараси муҳим ўрин тутди. Мазкур қадимий маскан Ўзбекистондаги энг йирик ва кўп ўрганилаётган худудлардан бири.

— Вилоятда туризм соҳаси ривожига ҳудудлардаги инфратузилмалар муҳим роль ўйнайди, — дейди вилоят Туризм бошқармаси бошлиғи ўринбосари Дилшод Хўжаев. — Ўтган йилда 96 миллиард сўм ҳисобига вилоятдаги туризм объектлари оғиб борувчи 44,3 километр йўл-транспорт инфратузилмаси яхшиланди.

Нурота нурлари

Сайёҳлик соҳасида Нурота туманининг ўзига хос ўрни бор. Айниқса, зиёрат туризмида Чашма зиёратгоҳи алоҳида эътирофга молик. Нур чашмаси табиатнинг ноёб туҳфаси бўлиб, маълумотларга кўра, бу мўъжиза мурраккаб табиий жараёнлар натижасида вуқудга келган.



Аслида, туризмда янги йўналишлар очиб, ривожлантириш нафақат рақобатбардошликни, балки мамлакатимиз иқтисодиётига молиявий тушумларни оширишга ҳам хизмат қилади. Энг муҳими, миллий туризм бренди юртимиз имижига ижобий тус беради.

Соҳил атрофидаги дам олиш масканлари бир вақтнинг ўзида 2500 сайёҳга хизмат кўрсатиш қувватига эга. Худудда янги пляж, туризм зоналари, дам олиш масканлари, оилавий меҳмон уйлари сони ортиб бормоқда.



Тумандаги XVI асрга мансуб Тошмасжид ҳамда Боязид Бистоний зиёратгоҳлари йил давомида сайёҳлар билан жағвум бўлади. Бугунги кунда нафақат маҳаллий, балки

кириш стеллажи ва туристик ахборот маркази қурилди. Мавжуд 12 та маданий мерос объекти ва диққатга сазовор жойлар, 15 та табиат манзараси ҳудудларда ободонлаштириш ишлари амалга оширилиб, туризм йўналишига киритилди.

Сахродаги жавоҳир

Қизилтепа туманининг туризм салоҳияти бошқа худудларникидан қолишмайди. Бир томондан Маликўл сахросига, иккинчи тараф-

Денгиз сатҳидан 524 метр баландликда жойлашган чашма суви хуштам, ҳидсиз, рангсиз, юмшоқ, ширин бўлиб, таркибида 20 хил микроэлемент борлиги аниқланган. Ҳарорати эса кишин-ёзин бир хил. Чашмадаги балиқлар табиатнинг бетакрор мўъжизасидир.

Нурота туманида сайёҳларни ўзига жалб этувчи яна бир сўлим маскан Сентоб туризм қишлоғидир. Бу мўъжаз қишлоқ Нурота тоғларининг шимолий ёнбағрида жойлашган бўлиб, қарийб 3 минг киши истиқомат қилади.

Ўтган йилларда Сентоб инфратузилмасини яхшилаш учун 20 миллиард сўмдан зиёд маблағ ажратилди. Йўллар таъмирланиб, электр энергияси ва ичимлик сув таъминоти, мобил алоқа сифати янада яхшиланди.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти” ДМ

Бош муҳаррир: Салим ДОНИЁРОВ

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.

Навбатчи муҳаррир: Башорат Юнусова Мусахҳи: Насиба Абдуллаева



ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-KODНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.